



**BUYRUQ**

2020 йил « 05 » февраль

№ 14

**«Ўзбекистон Республикасига хорижий авиаташувчилар томонидан мунтазам парвозларни бажариш бўйича йўриқнома» ни тасдиқлаш тўғрисида**

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенция ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ буюраман:

1. «Ўзбекистон Республикасига хорижий авиаташувчилар томонидан мунтазам парвозларни бажариш бўйича йўриқнома» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат авиация назоратининг 33-сон буйруғи билан 2008 йил 25 февралда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасига хорижий авиакомпаниялар томонидан мунтазам рейсларни бажариш бўйича йўриқнома» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Э. Ганиев

Ташкент ш.,  
2020 йил 5 февраль,  
14 - сон

**Ўзбекистон Республикасига хорижий авиаташувчилар томонидан  
мунтазам парвозларни бажариш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

Ўзбекистон Республикасига хорижий авиаташувчилар томонидан мунтазам парвозларни бажариш бўйича мазкур йўриқнома (кейинги ўринларда Йўриқнома деб юритилади) Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенция, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво қатнови тўғрисидаги халқаро шартномаси (кейинги ўринларда халқаро шартнома деб юритилади) ҳамда миллий қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасига мунтазам парвозларни амалга ошириш учун хорижий авиаташувчилар томонидан рухсатномалар олиш тартиб-тамоилларини, шунингдек, парвоз жадвалларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш чоғида Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**авиаташувчи** – эксплуатант давлати томонидан белгиланган тартибда берилган эксплуатант сертификатига эга бўлган ҳаво кемаси эксплуатанти;

**тайинланган авиаташувчи** – эксплуатант давлати томонидан белгиланган тартибда берилган эксплуатант сертификатига эга бўлган ва халқаро шартнома шартларига мувофиқ тайинланган ҳаво кемаси эксплуатанти;

**«Р» шакли** – Авиация маъмурияти томонидан тасдиқланадиган, шунингдек парвозларни бажариш даври, ҳаво кемасининг аэропортга учиб келиши ва кетишининг санаси, вақти, ҳаво кемасининг тури ва йўловчи сифими, авиаташувчига парвозларни бажариш учун тақдим этилган тижорат ҳуқуқларидан иборат бўлган парвозлар жадвали.

**слот** – авиаташувчи ҳаво кемасининг муайян сана ёки даврда учиб келиш ёки учиб кетиш операцияларини амалга ошириш учун аэропортда ажратилган вақт.

2. Ўзбекистон Республикасига мунтазам парвозларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар, тузилган ёки парафирланган халқаро шартномалар ёхуд хорижий давлатларнинг авиация маъмуриятлари билан имзоланган ҳужжатлар асосида «Ўзавиация» агентлиги томонидан берилган Эксплуатация рухсатномаларига эга бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган «Р» шакли мавжуд бўлган тайинланган хорижий авиаташувчиларгагина берилади.

**2-боб. Хорижий авиаташувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар**

3. Ўзбекистонга мунтазам парвозларни амалга ошириш учун хорижий авиаташувчи

қуйидаги ҳаракатларни бажаради:

«Ўзавиация» агентлигидан Эксплуатация рухсатномасини олгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг белгиланган аэропортида слот олиш учун 1-иловада кўрсатилган боғланиш маълумотлари бўйича «Uzbekistan Airports» АЖнинг Жадвални режалаштириш бўлимига сўровнома юборади;

Ўзбекистон Республикасининг белгиланган аэропорти ва/ёки бошқа хизмат кўрсатувчи компаниялар билан рейс ва ҳаво кемаларига тижорат ҳамда техник хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома тузади;

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК билан рейсга аэронавигация хизматларини кўрсатиш учун шартнома тузади ва ТПРни (такрорий парвозлар режаси)тақдим этади;

Режалаштирилган парвозлар санасидан камида 30 календарь кун олдин авиакомпаниянинг гербли муҳри туширилган «Р» шаклининг 4та асл нусхасини ва «Ўзавиация» агентлиги томонидан берилган Эксплуатация рухсатномаси нусхасини «Uzbekistan Airports» АЖга тақдим этади.

4. «Р» шаклини тақдим этиш ва тўлдириш қоидалари ҳамда унинг намунаси тегишли равишда 2 ва 4-иловаларда кўрсатилган.

### **3-боб. «Uzbekistan Airports» АЖ томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар**

5. «Uzbekistan Airports» АЖ хорижий авиаташувчидан Ўзбекистон Республикасига мунтазам парвозларни амалга ошириш масаласи тўғрисидаги сўровномани олгандан сўнг 20 календарь кунни давомида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасининг белгиланган аэропорти билан биргаликда хорижий авиаташувчининг слот олиш, шунингдек, рейсга ва ҳаво кемаларига тижорат ҳамда техник хизматларини кўрсатиш учун шартномалар тузиш тўғрисидаги сўровномасини кўриб чиқади;

Транспорт вазирлиги билан биргаликда хорижий авиаташувчининг «Р» шаклида кўрсатилган йўналишнинг участкаларида ташишни амалга ошириш юзасидан тижорат ҳуқуқларини тақдим этиш бўйича сўровномасини кўриб чиқади;

«Ўзавиация» агентлиги билан биргаликда «Р» шаклида қайд этилган ҳаво кемалари турларини ва уларни Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларида қабул қилиш имкониятларини кўриб чиқади.

Хорижий авиаташувчи томонидан режалаштирилган парвоз санасидан камида 10 календарь кун олдин мазкур Йўриқнома 3 ва 5-бандларининг шартлари бажарилгани тўғрисидаги «Р» шаклини 4 асл нусхада, «Uzbekistan Airports» АЖ гербли муҳри билан, 1-иловада кўрсатилган боғланиш маълумотлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Ҳаво транспортини ривожлантириш департаментига кўриб чиқиш учун юборади.

Хорижий авиаташувчининг Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган «Р» шаклига мувофиқ, электрон почта орқали Ўзбекистон Республикасининг белгиланган аэропорти, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК ва хорижий авиаташувчининг бош офисини рухсатнома берилгани тўғрисида хабардор этади.

#### 4-боб. Транспорт вазирлиги томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар

6. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Ҳаво транспортини ривожлантириш департаменти «Uzbekistan Airports» АЖдан «Р» шаклини олгандан кейин 10 календарь куни давомида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

«Р» шаклини белгиланган манзил ва ҳаво кемалари тури бўйича эксплуатантнинг Эксплуатация рухсатномасига мувофиқлигини текширади;

«Р» шаклини кўриб чиқиб, унинг тўлдирилиши тўғрилигини ва амалдаги слотлар, рейсга хизмат кўрсатиш шартномалари ва берилган тижорат ҳуқуқларининг мавжудлигини текширади;

«Р» шакли ижобий кўриб чиқилганидан кейин уни тасдиқлайди ва мурожаат этган авиаташувчига, шунингдек, хорижий авиаташувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасига мунтазам парвозлар бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш учун «Ўзавиация» агентлиги, «Uzbekistan Airports», «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКга юборади;

Хорижий авиаташувчи «Р» шаклини нотўғри расмийлаштирганда ёки маълумотлар халқаро шартномалар ва авиация маъмуриятларининг келишувлари талабларига тўғри келмаганда, «Р» шакли такроран кўриб чиқиш учун қайтарилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги рухсатномасининг амал қилиш муддати, агар қўшимча равишда кўрсатилмаган бўлса, фақат битта ИАТА (Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси) мавсумини (тегишлича ёз ёки қиш мавсуми) ташкил этади.

8. Мурожаат этувчи авиаташувчининг сўровномаларида қайд этилган барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча идоралар ва корхоналарга тақдим этилганда ишончли ва қатъий равишда бир хил бўлиши керак.

#### 5-боб. Навигация давридаги ўзгаришлар

9. Рейснинг ҳаракат жадваллари (слотни ўзгартириш, рейсни бекор қилиш) ва/ёки параметрларидаги (ҳаво кемаси турини алмаштириш, бажариш частотаси, йўналишни ўзгартириш ва бошқалар) барча бир марталик ўзгаришлар (ойига 4 мартадан кўп бўлмаган ҳолда) 3-иловада кўрсатилган (EMAIL), AFTN ёки SITA электрон почта манзилларига расмий сўровнома юбориш орқали Ўзбекистон Республикасининг белгиланган аэропорти, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК ва «Uzbekistan Airports» АЖ билан камида 3 иш куни олдин келишилиши лозим.

10. Ўзгаришлар ойига 4 мартадан кўп юз берганда, мазкур Йўриқноманинг 5 ва 6-бандларига мувофиқ «Р» шаклининг янгидан тасдиқланиши зарур бўлади.

11. Ҳеч қандай тижорат манфаатлари кўзда тутилмаганда, уч иш кунидан кам вақт қолганда, шунингдек байрам ва дам олиш кунларида шошилинч ўзгаришлар юз берганда сўровнома AFTN (UTTTZXZA, UTTTZDZX) ва SITA (TASZPHY) каналлари орқали юборилиши керак.

12. Мазкур Йўриқноманинг 9 ва 10-бандлари талаблари бажарилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг белгиланган аэропортига рейснинг учиб келиши тақиқланади.

**6-боб. Яқуний қоидалар**

13. «Ўзавицация» агентлигига ҳужжатлари тақдим этилмаган ва Эксплуатация рухсатномаси белгиланган тартибда берилмаган ҳаво кемаларда парвозларни бажариш тақиқланади.

14. Мазкур Йўриқноманинг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасига хорижий  
авиаташувчилар томонидан мунтазам  
парвозларни бажариш бўйича йўриқномага  
1-сон илова

### Боғланиш учун манзиллар

#### 1. Транспорт вазирлиги

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100128,

Зульфийхоним кўчаси, 3-уй

Тел. +99871 241-72-01

E-mail: [info@mintrans.uz](mailto:info@mintrans.uz)

#### Ҳаво транспортини ривожлантириш департаменти

Тел. +99871 202-05-01 (781)

E-mail: [m.yusupov@mintrans.uz](mailto:m.yusupov@mintrans.uz)

#### 2. «Ўзавиация» агентлиги

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100015, Нукус кўчаси, 73Б уй

Тел.: +99871 120-00-60      Факс: + 99871 254-14-82

AFTN: UTTAYAYI      E-mail: [caa@uzcaa.uz](mailto:caa@uzcaa.uz)

#### Хорижий эксплуатантларнинг эксплуатация инспекцияси бўлими

Тел.: +99871 254-34-10

E-mail: [a.yakovlev@uzcaa.uz](mailto:a.yakovlev@uzcaa.uz)

#### 3. «Uzbekistan Airports» АЖ

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100015,

Миробод кўчаси, 41/4-уй

#### Тижорат бошқармаси

Тел.: +99855 501-47-33

E-mail: [commerce@uzbairports.uz](mailto:commerce@uzbairports.uz)

#### Жадвални режалаштириш бўлими

Тел.: +99855 501-47-35

E-mail: [planning@uzbairports.uz](mailto:planning@uzbairports.uz)

#### Марказий ишлаб чиқариш диспетчерлик хизмати

Тел.: +99878 140-46-78    SITA: TASZPHY    E-mail: [cdos.planning@uzbairports.uz](mailto:cdos.planning@uzbairports.uz)

#### 4. «Тошкент» халқаро аэропорти

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100167, ФА Аэропорти

Тел.: + 998 (71) 140-29-23/140-28-45      Факс: + 998 (71) 140-29-24

AFTN: UTTTYDYD/UTTTZXXN      SITA: TASDAHU/TASSKHU

E-mail: [raspisanie.pdsa@uzbairports.uz](mailto:raspisanie.pdsa@uzbairports.uz)

#### 5. «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100167,

Локомотивная кўчаси, 13-уй

Тел.: +99871 254-75-48, +99878 140-27-01 /140-27-07      Факс: +99871 2547547

E-mail: [uzaeronav@uzairways.com](mailto:uzaeronav@uzairways.com)      AFTN: UTTTZGZD

#### «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК ХХФБ ЯТ Бош маркази Фуқаро сектори

Тел.: + 99878 140-27-78, +99878 140-38-21    Факс: + 99878 140-27-78, +99878 140-38-01

E-mail: [aftmu\\_uz@uzairways.com](mailto:aftmu_uz@uzairways.com) ; [akmal.djumaev@uzairways.com](mailto:akmal.djumaev@uzairways.com)

AFTN: UTTTZDZX

Ўзбекистон Республикасига хорижий  
авиаташувчилар томонидан мунтазам  
парвозларни бажариш бўйича йўриқномага  
2-сон илова

**«Р» шаклини бериш ва тўлдириш қоидалари**

1. «Р» шакли мунтазам рейсларнинг ҳар бир жуфтлиги (бориш ва қайтиш) учун алоҳида ва муайян даврагина берилади. Битта «Р» шаклида, ҳатто бир чизикда рақамлари ҳар хил бўлган бир қанча рейс кўрсатилишига, бажариш муддатлари бирлаштирилишига ва бошқа ҳолатларга йўл қўйилмайди. Қўриб чиқиш учун ушбу шаклларнинг фақатгина асл нусхалари қабул қилинади. Факс, E-mail орқали юборилган «Р» шакллари ва уларнинг нусхалари кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун қабул қилинмайди.

2. «Р» шаклининг бланкаси – иловада кўрсатилган шаблонга қатъий мос равишда А4 форматида принтерда босиб чиқарилган ҳужжат бўлиб, инглиз ёки рус тилларида тўлдирилиши мумкин. «Р» шаклининг Word 2016 ёки pdf форматларидаги электрон шаблонини, шунингдек уни тўлдириш масалалари бўйича қўшимча маълумотни E-mail бўйича [planning@uzbairports.uz](mailto:planning@uzbairports.uz) электрон манзилига сўров юбориш орқали олиш мумкин.

3. Мурожаат этувчи авиаташувчи томонидан намунада (1) каби белгилар билан ажратиб кўрсатилган устунлар тўлдирилади, қолган устунларга ҳеч қандай ўзгаришлар киритилмайди ва улар ўзгаришсиз қолади.

«Р»шакли қуйидаги қисмлардан иборат:

(1) - Авиаташувчининг расмий рўйхатдан ўтказилган номи;  
(2) - ИКАО ва ИАТАнинг берилган кодлари;  
(3) - йўловчи ёки юк рейсининг номи;  
(4) - XXX-9999 форматида рейс рақами, бунда XXX – чақирик сигнали ва 9999 рақамли белгидир;

(5) - ДДМММГГ-ДДМММГГ форматида бажариш даври, агар рейс икки, уч ва ҳоказо ҳафтада бир марта амалга оширилса, бажаришнинг биринчи ва охири саналари кўрсатилсин, охири бажариш санасидан кейин эса \* белгиси ва ундан сўнг бажариш даврийлиги кўрсатилсин, масалан, \* 2 - икки ҳафтада бир марта;

(6) - 1230007 форматида бажариш кунлари, бунда 0 билан рейс бажарилмайдиган кунлар белгиланади;

(7) - рейс ҳаракатланишининг тўлиқ жадвали, шу жумладан бошланғич, охири ва оралик (мавжуд бўлса) пунктлар, бунда UTC (жаҳон бўйича тартибга солинган вақт) бўйича учиб келиш/учиб кетиш вақти кўрсатилади, AAA0100 – BBB0500/0600 – TAS0900 ёки AAA0100 – TAS0500/0600 – BBB0900 форматида, бунда AAA, BBB - ИАТА сўралган йўналишда бошланғич ва/ёки оралик пунктлар ва улардан кейин тегишлича келиш/кетиш вақти;

(8) - бу устунда UTC га нисбатан вақт тафовути AAA + 4, BBB + 9, TAS + 5 форматида кўрсатилади;

(9) - ушбу устунда Ўзбекистон Республикасидаги пункт/лар ва сўралган маршрутдаги бошланғич/охири пункт орасидаги ҳамда мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасидаги белгиланган пункт (пунктлар) ва сўралган маршрутдаги бошқа оралик пунктлар орасидаги бўлиши мумкин бўлган барча участкалар кўрсатилади, масалан сўралган AAA-TAS-BBB йўналишида AAA-TAS-AAA ва BBB-TAS-BBB пунктлари кўрсатилади;

(10) - ушбу устунда сўралган йўналишнинг ҳар бир участкасида тўлиқ тижорат ҳуқуқларининг мавжудлиги кўрсатилади, уларнинг мавжудлиги кўрсатилиши керак бўлса, «ХА», йўқ бўлса «Қ/М»- қўлланилмайди, деб кўрастилади;

(11) - ушбу устунда, агар бўлса, сўралган йўналишнинг ҳар бир участкасида мавжуд бўлган тижорат ҳуқуқига оид чекловлар ихтиёрий шаклда кўрсатилади, масалан, сотувни йўловчи ўриндиқларининг маълум миқдоригача чеклаш, юк ташиш сигимлари имкониятларини чеклаш ва ҳоказо, бу каби чекловлар бўлмаса, «ҚМ» – қўлланилмайди деб кўрсатилади;

(12) - ушбу устунда сўралган йўналишнинг ҳар бир участкасида тижорат ҳуқуқларининг умуман йўқлиги кўрсатилади, айнан бу кўзда тутилаётган бўлса, «ҲА» кўрсатилади, йўқ бўлса, «Қ/М» - қўлланилмайди деб кўрсатилади;

(13) - ушбу устунда Ўзбекистон Республикасидаги пунктларга фақат техник қўнишни амалга оширувчи парвозлар кўрсатилади, айнан шу тахмин қилинса, «ҲА» кўрсатилади, йўқ бўлса, «Қ/М» - қўлланилмайди деб кўрсатилади;

(14), (15) - ушбу устунларда ИАТА таснифи бўйича парвозларни бажариш режалашитирилган самолёт турлари кўрсатилади, аммо 8 тадан ошмаслиги керак, бунда тегишли равишда класслар бўйича компоновка кўрсатилади;

(16) - юқорида кўрсатилган барча пунктлар тўлдирилгандан сўнг, маълумотлар муружаат этган авиакомпания масъул шахсининг имзоси (унинг исми ва лавозими кўрсатилади) ва авиакомпаниянинг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт;

(17) – ушбу устунда амалдаги слотлар, рейсга хизмат кўрсатишга доир шартномалар ва тижорат ҳуқуқлари мавжудлиги тўғрисидаги бўлим «Uzbekistan Airports» АЖ томонидан тасдиқланади;

(18) – ушбу устунда «Р» шакли Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланади.



Ўзбекистон Республикасига хорижий  
авиаташувчилар томонидан мунтазам  
парвозларни бажариш бўйича йўриқномага  
3-сон илова

**Жадвални бир марта ўзгартиришга сўровнома шакли**

Сўровнома қуйидаги бандлар бўйича қатъий кетма-кетликда тўлиқ маълумотлардан иборат бўлиши керак. Тўлиқ маълумотларнинг йўқлиги сўровнома кўриб чиқилишини рад этиш учун асос бўлади.

1. Рейсни бажариш санаси, рейс рақами.
2. Парвоз тоифаси (мунтазам, қўшимча).
3. Авиаташувчининг тўлиқ номи, ИКАО ва ИАТА коди.
4. ҲК (ҳаво кемаси) тури, асосий ва иккитагача захира ҲК борт рақами ва мансублиги.
5. Тасдиқланган «Р» шаклига мувофиқ тасдиқланган жадвал, шу жумладан ҲК тури ва УТС да тўлиқ жадвал.
6. Ўзгартирилган жадвал, шу жумладан ҲК тури ва УТСнинг тўлиқ жадвали.
7. Ўзбекистон Республикаси ҲҲдаги (ҳаво ҳудуди) парвознинг тўлиқ трассаси, шу жумладан сўралган жадвалга биноан республиканинг ҳаво ҳудудига кириш/чиқишнинг ҳисоб-китоблар бўйича вақти.
8. Ўзгаришларнинг мақсади (тижорат, техник), қисқача тушунтириш билан. Ушбу ўзгаришлардан манфаатдор бўлган Ўзбекистон Республикаси шахслари, ташкилотлари.
9. ҲК юкланиши (йўловчилар сони, багаж, юк миқдори).
10. Авиаташувчи масъул шахсининг имзоси ва жавоб юбориш учун электрон почта, AFTN ёки SITA манзили.
11. Рейснинг шошилини равишда ўзгартириш тўғрисида маълумот\*.

\* Изоҳ. 11-банд бўйича маълумот фақат шошилини вазиятларда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасига хорижий авиаташувчилар  
томонидан мунтазам парвозларни бажариш бўйича йўриқномага  
4-сон илова

«Р» ШАКЛИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН» (18)  
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги

Авиаташувчи: (1)

Лавозим, имзо, Ф.И.О. М.Ў.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
ИКАО/ИАТА кодлари: (2)

Ўзбекистон Республикасига хорижий авиаташувчилар томонидан мунтазам парвозларни бажариш бўйича 2020 йил февраль ойидаги йўриқномада баён этилган барча тартиботларга риоя этиш ва мунтазам парвозларни бажариш қисмида амалдаги миллий қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасига мунтазам (3) парвозларни қўйидаги жадвал бўйича бажаришига рухсат берилди.

	Рейсинг белгиланиши	Бажариш даври	Бажариш кунлари	УТСда рейсинг тўлиқ жадвали
Бориш	(4)	(5)	(6)	(7)
Қайтиш	(4)	(5)	(6)	(7)
Изох: (8)				

Қўйидаги тижорат ҳуқуқларига асосан:

Парвоз участкаси	Тўлиқ ҳажмда тижорат ҳуқуқлари мавжудлиги	Чекланган тижорат ҳуқуқлари мавжудлиги	Ҳар қандай тижорат ҳуқуқлари йўқлиги	Техник қўниш
(9)	(10)	(11)	(12)	(13)
(9)	(10)	(11)	(12)	(13)
(9)	(10)	(11)	(12)	(13)
(9)	(10)	(11)	(12)	(13)

Қўйидаги ХК турларига асосан:

Самолёт тури	Компановка	Самолёт тури	Компановка	Самолёт тури	Компановка	Самолёт тури	Компановка
(14)	(15)	(14)	(15)	(14)	(15)	(14)	(15)
(14)	(15)	(14)	(15)	(14)	(15)	(14)	(15)

Амалдаги слотлар, рейсга хизмат кўрсатишига доир шартномалар ва тижорат ҳуқуқлари мавжудлигини юқорида қайд этилган параметрларга мувофиқ тасдиқлайман. (Лавозим, имзо, Ф.И.О.) \_\_\_\_\_

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_ М.Ў. (17)

Берилган маълумотларнинг тўғрилиги ва Ўзбекистон Республикасига мунтазам эълон қилинган парвозларни бажариш қоидаларига қатъий риоя этиш

М.Ў.

ТАСДИҚЛАЙМАН \_\_\_\_\_ (16)

Лавозим, имзо, Ф.И.О.

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_